

Титаник фалокатининг сабаби



06:00 / 13.09.2022 6610

Титаник кемасини юзлаб шахслар ишлаб чиқардилар, кема тайёр бўлгач унинг раҳбарларидан бири «**Бу кемани Худо ҳам чўктира олмайди**» деб мутакаббирлик ва беодоблик қилган эди. Кема биринчи сафарга чиққандаёқ уммон тубига ғарқ бўлди. Титаникнинг ҳалокатга учрашига айсбергга урилиши сабаб бўлгани айтилади. Бу ҳам бир сабаб, аслида фалокатнинг энг катта сабаби кема раҳбарларидан бирининг мутакаббирлик қилиб юқорида айтган гапидир.

Нух алайҳиссалом Аллоҳнинг амри билан кемани ясадилар, кема тайёр бўлгач Аллоҳнинг амри билан барча жонзотлардан бир жуфтдан олиб унга миндилар. Аллоҳ таоло кемага минаётган Нух алайҳиссаломнинг айтган гапларини ҳикоя тарзида келтириб шундай марҳамат қилган:

مَّيْحَرٌ رُّوْفَعَالٌ يَّبْرُنِ اِهَاسْرُمَوَاَهَاجْمَهَلَلْمَسَبَايْفَاوُبَكْرَالاقو

Ва у: «Унга: «Унинг юриши ҳам, туриши ҳам Аллоҳнинг номи ила», - дея мининглар. Албатта, Роббим ўта мағфиратлидир, ўта раҳмлидир», - деди. (Худ сураси, 41-оят)

Кемага минишгандан сўнг Аллоҳнинг иродаси билан тўфон балоси бошланди. Бутун олам сув остига ғарқ бўлди. Нух алайҳиссаломнинг қилган дуолари сабабли Аллоҳ таоло ўз фазлини кўрсатди ва

кемадагиларга нажот берди, кемадан ташқаридаги ҳамма нарса сувга ғарқ бўлди.

Барчамиз Аллоҳ таолога илтижо қиламиз, Аллоҳ таолодан ёрдам сўраймиз, қалбимизни Унга боғлаймиз, Унга таваккул қиламиз. Биз доим илтижо қилиб, ёрдам сўраб, паноҳига қочадиганимиз Роббимизни яхши таниб, Унга сидқидилдан қуллик қилишимиз лозим. Аллоҳ таолога таваккал қилиш ҳақида Қуръони Каримда шундай марҳамат қилинган:

هُبْسِحَ وَوَفَّيْلَلَا لَعَلَّكَ وَتَي نَمَو

Ким Аллоҳга таваккул қилса, бас, унга У Зотнинг Ўзи кифоядир.

(Талоқ сураси, 3-оят).

Аллоҳ таоло барчамизни камтар, хоксор бўлишимизни ва уловга ўтирганда суннатда келган дуоларни ўқиб, доимо Уни зикр қилиб юришимизни насиб этсин.

Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади